# I. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни эркин фаолият юритиши учун қулай шароит ва муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар давомида 2020 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 22034 тани ташкил қилди. (2019 йил 1 январга нисбатан 122,8 % га кўпдир).

**Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг 2020 йил 1 январь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*(жамига нисбатан фоизда)*




Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 41,0 %и), саноат соҳасида (26,5 %), қурилишда (8,5 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (7,3 %) ташкил этилган.

## Ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар

| | *январь-декабрь 2018 йил* | *январь-декабрь 2019 йил* |
|---|---|---|
| **Вилоят жами** | **2709** | **5447** |
| Мингбулоқ | 125 | 303 |
| Косонсой | 145 | 341 |
| Наманган | 170 | 392 |
| Норин | 151 | 319 |
| Поп | 138 | 400 |
| Тўрақўрғон | 187 | 347 |
| Уйчи | 188 | 362 |
| Учқўрғон | 147 | 386 |
| Чортоқ | 143 | 306 |
| Чуст | 194 | 434 |
| Янгиқўрғон | 118 | 268 |
| Наманган шаҳар | 1003 | 1589 |

2019 йилнинг январь-декабрь ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар ҳудудлар бўйича энг кўп Наманган шаҳрида - 1589 та, Чуст туманида - 434 та, Поп туманида - 400 та. Наманган туманида - 392 та, Учқъўрғон туманида - 386 та, Уйчи туманида - 367 та, Тўрақўрғон, Косонсой, Норин, Чортоқ, Мингбулоқ туманларида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 347 - 303 тани ташкил этган. Энг паст кўрсаткич Янгиқўрғон туманида – 268 тани ташкил этди.

## 2019 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши, *фоизда*




2019 йил январь-декабрь ҳолатига ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Наманган шаҳри - 29,2 %, Чуст тумани - 8,0 %, Поп тумани - 7,3 %, Наманган тумани - 7,2 %, Учқўрғон тумани - 7,1 %, Уйчи тумани - 6,6 %, Тўрақўрғон тумани - 6,4 % ва Косонсой тумани - 6,3 % ни ташкил этди.

2019 йил январь-декабрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 79,2 % и (2018 йил январь-декабрда 80,0 %) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан 283,2 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 79,2 %и) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 444,2 млн.АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 70,5 %и) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улуши

*( январь-декабрь ойлари ҳолатига, фоизда)*




## Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми

*(2019 йил январь-декабрь)*

| | *Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм* | *Жами ҳажмга нисбатан улуши, % да* |
|---|---|---|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 15 312,6 | 97,7 |
| Саноат | 6 717,3 | 73,9 |
| Қурилиш | 3 238,8 | 94,7 |
| Чакана савдо | 8 718,8 | 87,7 |
| Юк ташиш, *млн тн.* | 27,2 | 95,7 |
| Йўловчи ташиш, *млн.киши* | 456,4 | 96,5 |

**2019 йил январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар кесимида иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши,**
*(фоизда)*

| | *Саноат* | *Қурилиш* | *Хизматлар* | *инвестициялар* |
|---|---|---|---|---|
| **Вилоят жами** | **73,9** | **94,7** | **66,3** | **54,2** |
| Наманган шаҳар | 66,4 | 90,5 | 44,2 | 47,2 |
| Мингбулоқ | 38,4 | 100,0 | 91,5 | 69,4 |
| Косонсой | 86,0 | 96,9 | 89,3 | 80,0 |
| Наманган туман | 87,1 | 98,3 | 97,3 | 91,0 |
| Норин | 92,4 | 100,0 | 94,6 | 87,6 |
| Поп | 52,4 | 73,0 | 83,3 | 62,2 |
| Тўрақўрғон | 77,5 | 96,1 | 81,2 | 23,6 |
| Уйчи | 95,5 | 100,0 | 96,5 | 87,8 |
| Учқўрғон | 65,7 | 100,0 | 93,1 | 71,1 |
| Чортоқ | 100,0 | 100,0 | 90,0 | 82,6 |
| Чуст | 62,5 | 94,5 | 93,7 | 74,0 |
| Янгиқўрғон | 100,0 | 100,0 | 96,4 | 87,7 |

Ҳудудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Чортоқ ва Янгиқўрғон (100,0 %), Уйчи (95,5 %) ҳамда Норин (92,4 %) туманлари ташкил этди.

Қурилишда - Мингбулоқ, Норин, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ ва Янгиқўрғон (100,0 %), Наманган туман (98,3 %), Косонсой (96,9 %) ва Тўрақўрғон (96,1 %) туманлари ташкил этди.

Хизматлар соҳасида – Наманган туман (97,3 %), Уйчи (96,5 %), Янгиқўрғон (96,4 %), Норин (94,6 %), Чуст (93,7 %), Учқўрғон (93,1 %), Мингбулоқ (91,5 %) туманлари ташкил этди.

Инвестицияда – Наманган туман (91,0 %), Уйчи (87,8 %), Янгиқўрғон (87,7 %), Норин (87,6 %), Чортоқ (82,6 %), Косонсой (80,0 %) туманлари ташкил этди.